

---

## Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур

Бағдод тумани “Марказий” ўйингоҳида “Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур” шиори остида спортнинг кураш ва белбоғли кураш турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят прокуратураси ташаббуси билан ташкилланган мазкур мусобақада маҳаллаларда истиқомат қилувчи 100 нафарга яқин ҳаваскор курашчилар қатнашди.

Эркаклар кураш бўйича 60, 66, 73 ва +73, белбоғли кураш бўйича эса 66, 81 ва +81 кг вазн тоифаларида гиламга кўтарилган бўлсалар, аёллар 57 ва 70 кг вазн тоифасида кураш баҳсларида, 58 кг вазн тоифасида белбоғли кураш баҳсларида ғолиблик учун бел олишди.

Мурасасиз кечган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга туман ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси томонидан тегишли дипломлар, медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида туман прокурори Акмалжон Ҳасанов иштирок этди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-04-05 18:23:16